

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 25 август, № 184 (8246) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТАЁТГАН БУЮК БУНЁДКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаш мақсадида 23-24 август кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев ташрифнинг иккинчи кунини Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади. Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Бу зиёратгоҳ буюк муҳаддис бобомизнинг мусулмон оламидаги юксак ҳурматига муносиб тарзда қайта қурилмоқда. Мақбара, улкан масжид, миноралар, айвонлар барпо этилмоқда.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

— Бу лойиҳани кўп муҳокама қилдик, қайта-қайта келиб кўрдик. Энди қурилишда ҳам шошмаслик керак. Ҳам зиёрат, ҳам ибодат нуқтаи назаридан бу ерда ҳамма шароит бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мажмуа ёнида Имом Бухорий ҳаётини кўрсатувчи электрон музей ташкил этиш таклифини билдирди.

— Яқинда Мадина шаҳрида бўлганимизда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейини кўрдик. Бу ерда ҳам шунга ўхшаш музей ташкил этсак, яхши бўлар эди. Унда Имом Бухорий бобомизнинг ҳаёти, илм йўли, ўша давр тарихи ахборот технологиялари орқали кўрсатилади. Булар ёшлар, чет эллик сайёҳларнинг яққол тасаввурида қолади. Музей халқимизга яна бир маънавий хазина бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигига бу борада лойиҳа тайёрлаш топширилди.

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Ҳизр мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Олий даражадаги ташрифлар, халқаро саммитларнинг вилоятларда ўтиши мамлакат ривожини кўрсатувчи жиҳатлардан бири. Ҳудудлар комплекс ривожлантирилаётгани натижасида сўнгги йилларда бундай йирик тадбирлар турли шаҳарларимизда ўтказилмоқда.

Яқин ойларда Самарқандда бир нечта халқаро даражадаги тадбирлар бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу анжуманларга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида ушбу жараённи кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳрида XIX аср охири XX аср бошларига оид обидалар кўп. Алишер Навоий ҳамда Шоҳрух кўчаларидаги шундай тарихий биноларда миллатлараро дўстлик ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликка бағишланган музейлар ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, музейларни мазмунан бойитиш, ҳамкор мамлакатлар билан яқин муносабатларни намоён этиш бўйича кўрсатмалар берди.

23 август куни Самарқанд туманида "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази очилган эди. Бу мажмуа йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги Конгресс-холл ва меҳмонхоналарда яратилган шароитлар билан танишди.

Меҳмонхоналарнинг иккитаси 5 юлдузли ва олтитаси 4 юлдузлидир. Конгресс-холлнинг умумий майдони қарийб 6 минг квадрат метр. У 3 минг 500 кишини қабул қилиш қувватига эга. Анжуманлар вақтида ишларни самарали мувофиқлаштириш учун ситуацион марказ ҳам ташкил этилган.

Президентимиз бу ерда хорижий делегациялар, икки томонлама учрашувлар учун қулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

# ЎЗБЕКИСТОН НАФАҚАТ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА, БАЛКИ ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНДИ

*Шу йил 22 август куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқоти халқаро ишбилармон ва эксперт доиралари вакилларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.*

*Билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг аксариятида Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш йўлидан жадаллик билан одимлаётгани таъкидланаётгани баробарида, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари олқишланмоқда.*

**Го Бун КИМ,**
**Малайзия ишлаб чиқарувчилар федерацияси вице-президенти:**



— Ўзбекистон раҳбарияти ва тадбиркорлар ўртасида иккинчи марта очиқ мулоқотнинг ўтказилиши жаҳондаги бугунги мураккаб иқтисодий вазиятда жуда долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, коронавирус пандемиясининг оқибатлари, халқаро логистика соҳасидаги муаммолар, дунёда озиқ-овқат, хомашё ва энергия нархларининг ошиши тадбиркорлик субъектлари олдида муайян муаммоларни келтириб чиқарди.

Тадбирда таъкидланганидек, тадбиркорлар ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудратини оширишда асосий куч бўлиб, давлат раҳбари билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўлга қўйилгани бизнес юритиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Мулоқот чоғида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар алоҳида эътиборга лойиқ. Тўғри, ҳали кўп иш қилиш керак. Шу билан бирга, давлат раҳбари мамлакатда бизнесни рағбатлантириш учун тадбиркорлар ва халқ билан мулоқотга тайёр эканини алоҳида таъкидлаганини эътироф этишни истар эдим.

Ўрта бизнесни ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг халқаро тизимини жорий қилиш жуда муҳим, деган фикрга қўшиламан. Бу соҳада Малайзия ўзининг илғор тажрибасини баҳам кўришга тайёр.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун барча имкониятни сафарбар этди. Буни ишбилармон доираларга берилаётган имтиёз ва преференциялар, тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга ошириш учун республика вазирлик ва идораларининг аксар назорат функциялари бекор қилингани ҳам тасдиқлайди. Қисқача айтганда, давлат тадбиркорлар ишига камроқ аралашгани ҳолда тадбиркорлик фаолияти учун кўпроқ шароит ва қулай муҳит яратмоқда.

**Нина ЛИНДЕ,**
**Латвия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг директори:**

— Ўзбекистон сўнгги 3-4 йил ичида бутун минтақани ўзгартириш ва ривожлантириш учун иқтисодий ислоҳотлар драйверига айланди.

Эътиборлиси, давлат раҳбари билан уюштириладиган бундай учрашувлар ўзбекистонлик тадбиркорларни янада катта муваффақиятларга эришишга ундамоқда.

Ўзбекистон Президенти томонидан хусусий секторга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларидан тортиб, ишбилармонларни маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларигача бўлган имтиёз ва преференцияларнинг белгиланиши мамлакатнинг аҳолини тадбиркорлик билан шуғулланишга рағбатлантириш борасидаги қатъий позициясидан далолат беради.



Ўзбекистон етакчисининг Президент ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш ташаббуси давлат бошқаруви механизмида алоҳида ўрин тутади.

Давлат раҳбарининг ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратаётган шахсий эътибори инфратузилмани яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ,**
**«Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби раҳбари:**



— Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, мамлакат раҳбариятининг асосий эътибори қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш учун институционал асосларни яратишга қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу борадаги энг муҳим қарорлар ишнинг ҳақиқий ҳолатидан ажралган ҳолда шакллантирилмайди. Барча муҳим қарорлар ҳокимият ва тадбиркорлар ўртасидаги ва юқори даражадаги мулоқотни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти бунга далил бўла олади.

Халқаро мутахассис сифатида давлат ва расмий ташрифлар кун тартибини тайёрлашда ўзбекистонлик тадбиркорларнинг манфаатлари ҳам инобатга олинаётганини таъкидламаслик имконсиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорижга деярли ҳар бир ташрифи ўзбек компаниялари ва уларнинг хорижий ҳамкорлари ўртасида кўп миллиард долларлик шартномалар имзоланиши билан бирга кечмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожига қўшимча суръат бағишлаши баробарида, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай имкониятларни яратмоқда.

**«Дунё» АА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРГА АСОССИЗ АРАЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 22 август** куни ўтказилган тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. Хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи **қуйидаги тартиблар, талаблар ва чекловлар** 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб **бекор қилинсин**:

а) **ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш** соҳасида:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштириш. Бунда ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

юридик шахс тугатилиши муносабати билан унинг ер участкасига (қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш. Бунда ушбу ҳуқуқлар юридик шахс муассисларига (иштирокчиларга), агар қонунчиликда, таъсис ҳужжатларида ёки муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг юридик шахсдаги улушига (қўшилган ҳиссасига) мутаносиб равишда ўтказилади;

(Давоми 2-бетда).

# ЮРТИМИЗНИНГ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ РАМЗИ

*Мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиёти ва турли жабҳалардаги ютуқлари барчамизни қувонтиради, албатта. Ватанимизнинг кўҳна ва азим шаҳарлари ҳамда қишлоқ ва маҳаллаларидаги янгиланишлар кишининг баҳридилини очади. Куни кеча Президентимиз иштирокида ўтказилган Самарқанд шаҳридаги "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимини кузата туриб, кўнглимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш урди.*

## Мулоҳаза

Чиндан ҳам, жаҳоннинг энг илғор стандартлари ҳамда халқимизнинг бой тарихий ва маданий меросини ўзида мужассамлаштирган мазкур марказни Ўзбекистоннинг янги "ташриф қоғози" ва мамлакатимизда олиб борилаётган яратувчанликнинг ёрқин намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Маълумки, сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, туризм соҳасида ҳам кўплаб янгиликларга қўл уриляпти. Натижа ҳаммага маълум — юртимизда бу соҳа изчил ривожланиб бормоқда ва шунга мос ҳолда хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар оқими йилдан-йилга кучаймоқда.

3

# ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ТАРТИБЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА?

*Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари — кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хомашё билан таъминлашда геология-қидирув соҳасининг ўрни катта.*

## Мушоҳада

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳада замонавий технологиялар жорий қилиниб, геологик ўрганиш ва бурғилаш ишлари ҳажми 1,5 бараварагача ошди. Ер ости қазилмаларига солиқ ставкалари пасайтирилиб, соҳада хусусий инвесторларга кенг йўл очилди. Геология фанлари университети ташкил этилиб, фаолияти энг замонавий технологиялар ва илғор методикалар асосида йўлга қўйилди.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган, шунингдек, фуқаролар манфаатларини таъминлашга доир бир қатор қонун ҳамда қарор лойиҳалари кўриб чиқилди.*

### Наманган шаҳри «бир миллионлик шаҳар»га айлантирилади

Дастлаб "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод тумани, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Наманган шаҳрини истиқболда "бир миллионлик шаҳар"га, яъни мегаполисга айлантириш, инвестициявий муҳит янада яхшиланиши натижасида халқаро замонавий брендлар ва йирик компанияларнинг шаҳарга кириб келиши, урбанизация жараёнлари сезиларли даражада тезлашиши, шаҳарни "ақлли шаҳар" концепцияси асосида бошқариш тизими яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Наманган шаҳрида бир йилда аҳолининг ўртача ўсиши 30,3 минг кишини ташкил этиши ҳисобга олингани ҳолда, 2040 йилга бориб аҳоли сони табиий равишда 1,2 миллион кишига етиши прогноз қилинмоқда.

Мазкур қарор билан Наманган шаҳрини "бир миллионлик шаҳар"га айлантириш мақсадида унга чегарадош бўлган Тўрақўрғон туманидан 472,4 гектар ер майдонини қўшиб бериш, ҳудудда Янги Наманган шаҳарчаси, замонавий ишбилармонлик маркази ва турар-жойлар комплексини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳолини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида, шунингдек, майдони 164,2 гектар бўлган 4 та кичик саноат зонасида 41 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг яратилишига эришилади.

Таҳлилларга кўра, мегаполисларда бошқа шаҳарларга нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси юқори бўлади ва аҳоли жон бошига даромад тез ўсади. Иқтисодий тармоқлар диверсификацияси кучаяди ҳамда соҳалар бўйича кластерларни ташкил қилиш мумкин бўлади.

Мажлисда қарор лойиҳаси қабул қилинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРГА АСОССИЗ АРАЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлат мулкидаги бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш, бундан кўп квартирали уйларда жойлашган тураржой объектлари мустасно;

б) **тураржойга бўлган** мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида:

тураржойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки тураржой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу тураржойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, бундан тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатлар мустасно;

суд томонидан тураржойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу тураржойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш;

в) жисмоний ва юридик шахсларга **мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш** соҳасида — мулкий ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни ушбу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ҳуқуқларни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

г) **корпоратив муносабатлар** соҳасида:

давлат органлари томонидан давлат иштирокидаги корхоналар мол-мулкини тасарруф этиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ёки **бошқа кўринишдаги маъмурий ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти**. Бунда хўжалик жамиятининг устав фондидаги (капиталидаги) давлат улушига (акцияларига) эгалик қилувчи давлат органлари улушдор (акциядор) сифатида қарорлар қабул қилишни (овоз беришни) юқори турувчи давлат органи билан ёзма тарзда келишиб олиши мумкин;

юридик шахсларнинг устав фондидаги (капиталидаги) гаровга қўйилган улушларни (қўшилган ҳиссаларни) гаровга олувчининг розилигисиз тасарруф этиш амалиёти. Бунда мазкур розилик олинмаганлиги таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (кейинги ўринларда — UZKAD тизими) **кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри** ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизими этиб белгилансин.

Бунда:

UZKAD тизимига Гаров реестри, "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, "Давлат мулки" ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари ва кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа **барча давлат ахборот тизимлари интеграция қилинади ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйилади**;

онлайн маълумот алмашинуви пайтида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ қоғоз шаклида ёки бошқа ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шу сабабли UZKAD тизимида бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, уч кун ичида ушбу ҳуқуқ UZKAD тизимида ҳақ ундирмасдан ва ариза талаб қилмасдан давлат рўйхатидан ўтказилади ва маълумот тақдим этилади;

кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш UZKAD тизимидаги маълумотлар асосида амалга оширилади, кўчмас мулк ҳақида ушбу тизимда бўлмаган бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди, маълумотларнинг ҳаққонийлиги давлат томонидан кафолатланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

жисмоний ва юридик шахсларга солиқларни ҳисоблаш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, давлат хизматлари, банк, коммунал, суғурта ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатишда кўчмас мулкка оид барча маълумотлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан UZKAD тизимидан олинади;

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига киритилган ёзувлар ва кўчмас мулк объектлари бўйича **"мулк тарихи"**га оид маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлади ва улардан ҳақ эвазига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланилади, давлат сирига оид ҳамда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган маълумотлар бундан мустасно.

Кадастр агентлиги қоғоз шаклида ёки бошқа ахборот тизимларида давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотларни ҳар бир кўчмас мулк объектини босқичма-босқич идентификациялаган ҳолда UZKAD тизимига тўлиқ ўтказсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича республика марказлаштирилган жамғармаси — Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда — республика компенсация жамғармаси) этиб;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича ҳудудий марказлаштирилган жамғармалар — **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар** (кейинги ўринларда — ҳудудий компенсация жамғармалари) этиб қайта номлансин.

4. Маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, 2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар натижасида **етказилган зарарлар** республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилансин:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида мулкдорга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарар;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиён;

мазкур Фармоннинг 1-банди "б" кичик бандида назарда тутилган ҳолларда тураржой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармоннинг 4-бандига асосан республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар кейинчалик айбдор шахслардан **тўлиқ миқдорда регресс тартибида** ундириб олинади, бундан мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қонунчиликда ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган зарарларни қоплашнинг бошқа манбалари белгиланган ҳолларда, компенсация тўловлари республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик ушбу манбалар ҳисобидан қоплаб берилади;

суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланмаган ва (ёки) регресс тартибида ундириб олиш шартисиз давлат томонидан қоплаб берилиши кўрсатилган ҳолларда, республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

6. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатасининг мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувни чеклаш мақсадида **қуйидаги ҳуқуқий институтларни қонунчиликда ва юридик амалиётда қўллаш кўламини янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**:

а) **фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини**, бунда:

инсофли эгалловчининг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмлари қўлланилади;

кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулк белгиланган тартибда аукцион орқали сотилганда, кредиторнинг розилигига кўра, сотиб олувчига мулкнинг қийматини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) **маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳолатлари рўйхатини**, бунда мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлардан ташқари қуйидаги ҳаракатлари хусусий мулк ҳуқуқини эркин амалга оширишга аралашиш ва дахлсизлигини бузиш деб ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланилишига асос бўлади:

мулкка эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни чеклаш, тақиқ қўйиш, мулкий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз рад этиш ёки бошқача ҳар қандай кўринишда мулкдор ёки унинг мулкий ҳуқуқларига таъсир ўтказиш;

мулкдорнинг хўжалик фаолиятига ёки мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган ҳосил ва маҳсулотни реализация қилиш ҳамда даромадларни тасарруф этишга аралашиш;

хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга, шу жумладан, тураржой бўлмаган кўчмас мулк объектига мулкдорнинг рухсатисиз кириш, бу ҳақда учинчи шахсларга кўрсатма бериш;

мол-мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш, фойдаланишга бериш ёки бошқача тарзда тасарруф этишга аралашиш, бу тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

мулкдорга унинг ихтиёрига зид тарзда мол-мулки билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа давлат ва жамоатчилик вазифаларини юклаш ёхуд номақбул шартларни қўйиш;

мол-мулкдан мулкдорнинг розилигисиз ва тегишли ҳақ тўламасдан фойдаланиш;

мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга оид маълумотларни сўраш ёки бундай маълумотларни мулкдорнинг рухсатисиз ишлатиш;

мулк ва мулкий ҳуқуқлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки мулкдорга улардан воз кечишга қаратилган ҳар қандай жисмоний, руҳий ёки бошқа шаклдаги мажбурлов чоралар қўллаш, тазйиқ ўтказиш ёхуд мол-мулкни тасарруф этишга доир асоссиз талабларни қўйиш;

в) **қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни, шу жумладан, унинг зарурий мудофаа турини**, бунда:

мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкини ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида, шу жумладан, зарурий мудофаа ҳолатида ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

кўчар мулк ўзбошимчалик билан олиб қўйилганда мулкдор таъқиб қилиш орқали уни қайтариб олиши, кўчмас мулкка нисбатан эса унга ўзбошимчалик билан кирган ёки эгаллаб олган шахсни чиқариб юбориш орқали эгалигини тиклаши мумкин бўлади;

мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаш ёки унга кириш ёхуд мулк дахлсизлигини бошқача тарзда бузиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

г) **гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкий ҳуқуқларига нисбатан "Хабеас корпус" институтини**, бунда суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини кўриб чиқиш учун судга киритиш назарда тутилади;

д) давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини **давлат божи орқали тартибга солиш тизимини**, бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолатларни қисқартириб, уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини чеклаш, маҳрум қилиш ёки бошқа ҳар қандай кўринишда таъсир қилишга қаратилган даъволари, аризалари ва шикоятлари учун умумий асосларда давлат божи тўланиши, давлат божини тўлаш бўйича маблағлар бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига киритилиши, ушбу маблағлардан оқилона ва асосли фойдаланилаётганлигини назорат қилиш назарда тутилади;

фуқаролик судларида мол-мулкни ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогарлар (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно) давлат божини тўлашдан озод қилинади, бунда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ундан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундириш назарда тутилади;

иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (даъво қиймати ошишига қараб давлат божи ставкаси пропорционал равишда тушиб боради) давлат божи ставкаларини қўллаш жорий этилади.

7. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги қонун лойиҳаларини киритсин:

**"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини, лойиҳада ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутсин;

тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини асоссиз ҳисобдан чиқарганлик, ортиқча ундирилган ва тўланган пул маблағларини тадбиркорлик субъектининг биринчи талабига биноан қайтармаганлик учун жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат мулки объектларини **республика мулки ва муниципал мулк объектларига ажратиш** бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўпламини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларининг намунавий рўйхати;

республика мулки объектларини бошқаришда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқа давлат органлари ва давлат мулкидан фойдаланувчиларнинг вазифаларини аниқ чегаралаш;

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини бошқариш бўйича ваколатли тузилмаларни, уларнинг вазифаларини белгилаш;

2025 йилга қадар босқичма-босқич республика мулки объектларини республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш тизимига ўтиш.

9. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари 2022 йил якунига қадар ўзлари ҳамда тизим ташкилотлари бошқарувидаги давлат кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг кадастр органларида қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳуқуқлари кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаган давлат кўчмас мулк объектлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан расмийлаштириладиган далолатнома асосида унинг тегишли ҳудудий бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказилади.

10. **Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Адлия вазирлигига **Халқаро мулк ҳуқуқлари индексида (IPRI)** Ўзбекистон Республикасининг ўрнини тизимли таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

12. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва адлия вазири Р.К.Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январга қадар, кейинчалик ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 24 август

---

Сенатор ва ҳаёт

## МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р. Сиддиқов Андижон аҳолисидан келган мурожаатларга ечим топиш мақсадида жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибият мудирлари, ижро ҳокимияти масъуллари иштирокида учрашувлар ўтказди.*

Муҳими, мулоқотлар давомида қатор мурожаатлар ижобий ҳал этилди. Масалан, балиқчилик фуқаро Х. Тожиқуловнинг унга ажратилган 25-мактаб ҳудудидаги ер майдонида бино қургани, ҳозирги кунда бу бинонинг ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ижобий ечим топди.

Шу туманлик Х. Тўрақулова тадбиркорлик фаолиятини бошлагани ва эндиликда дўконини маиший техникалар билан тўлдиришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Мурожаатчининг талаба экани инобатга олиниб, унга ҳомий бириктирилди.

Андижон туманилик Д. Қамбарова эса кредит тўловини тўлашга маблағ йўқлиги сабабли банк томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган. Бу масала ҳам ижобий ҳал этилди, яъни "Агробанк" туман филиали томонидан фуқаронинг кредит фоизи ва тўпланган пеня ҳисоблари тўхтатилди.

Жалақудуқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро М. Раҳматуллаеванинг ўзи яшаб келаётган ҳудуддаги мактаблардан бирига ишга жойлашиш бўйича қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди. У ўзининг ҳудудидаги мактабга ишга қабул қилинадиган бўлди.

Шунингдек, қўрғонтепалик бир гуруҳ аҳолининг табиий газ тармоғига қайта уланиш ва электр энергияси сифатини яхшилаш масаласида қилган мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди. Якунда туман электр тармоқлари корхонаси томонидан жорий йил охиригача маҳалланинг барча электр тармоқларини таъмирлаш ва янгилаш белгилаб олинди.

Қолган мурожаатчилар ҳам мутасадди ташкилотлар ва идораларга бириктирилди.

**«Халқ сўзи».**

---

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

1

### Ногиронлик пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилади

Мажлисда депутатлар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда ногиронлик пенсияси олаётган фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда ногиронлик пенсиясини олишни давом эттирса (бошқа пенсия турига ўтмаса), I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақтини қўшиб ногиронлик пенсияси қайта ҳисобланмайди.

Лойиҳа билан 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, иш стажи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногиронлик пенсия миқдорларини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олиш, коррупциоген факторларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини оширади.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

---

## МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ

*Барчамизга яхши аёнки, Наманган шаҳри республикамиздаги аҳоли энг зич яшайдиган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда истиқомат қилаётган фуқаролар сони 670 мингдан ортиқни ташкил этади. Ҳар йили урбанизация даражасининг ортиб бориши туфайли аҳоли сони ҳам 30 — 35 мингга ошиб бормоқда.*

**Фикр**

Бу эса аҳолини уй-жой билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш, фуқароларнинг даромад манбаига эга бўлиши учун қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қабул қилинган "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги Қонунчилик палатаси қарори юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш йўлида муҳим ҳужжат бўлди, десак, асло муболаға эмас.

Унга биноан, Тўрақўрғон туманидан 472,2 гектар ер майдони Наманган шаҳрининг Давлатобод туманига ўтказилмоқда. Бу ер майдонлари ва Давлатобод туманининг "Юксалиш", "Орзу" даҳалари ҳудудидаги жами 1 203 гектар ер майдонида Янги Наманган шаҳарчаси, замонавий ишбилармонлик маркази ва тураржойлар комплекси ташкил этилади.

Шаҳарча ҳудудида 700 дан ортиқ тураржой объектлари барпо этилиб, 200 мингга яқин фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шунингдек, ўттизга яқин мактаблар, 26 та болалар боғчаси, бешта шифохона, кинотеатр, маданият маркази, IT парк, санъат галереяси каби ижтимоий соҳа объектлари, 4 та саноат зонаси қурилади. 68 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" тематик парки ҳам бунёд этилгани ҳолда, Янги Наманган шаҳарчасида 40 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

Уч босқичда амалга ошириладиган ушбу бунёдкорлик ишлари ҳудуд кўркига янада файз бағишлаши, шубҳасиз. Мазкур қарор эса қадимий ва навқирон Наманган шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

**Абдумалик АКРАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# ЮРТИМИЗНИНГ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ РАМЗИ

1 Давлатимиз раҳбари ўз нутқида шу масалага барчанинг эътиборини яна бир бор қаратди.

Таъкидланганидек, бундан 3-4 йил олдин Самарқандга келган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони 500 мингдан ошмаган. Кейинги йилларда туризмни ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар ҳамда қулай инвестициявий муҳит яратиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар туфайли бу шаҳарга келаётган хорижликлар 2 баробар кўпайди. Аммо бу охирги кўрсаткич бўлиши мумкин эмас. Негаки, маррани янада юқори олиш учун имкониятлар бор. Яъни келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижлик сайёҳлар сонини 1,5 миллиондан ошириш мақсад қилинган.

Нутқда келтирилган бу улкан мақсад ва рақамдан кўриниб турибдики, эндиликда биздан туризмни ривожлантиришдан ташқари, бундай марказлар ва иншоотлар қуриш истагидаги инвесторларга қулай шарт-шароит яратиш талаб этилади. Яъни одамлар Самарқанд деганда ҳам қадимий ва навқирон шаҳарни, ҳам замон билан ҳамнафас ва ишбилармонлар марказини тасаввур этиши учун нимаики зарур бўлса, барчасини рўёбга чиқаришимиз жоиз.

Муҳими, бу борада дадил қадамлар аллақачон ташлаб бўлинди. Биз сўз юритаётган марказ эса бу борадаги шоҳасарлардан бири, десак, асло муболаға бўлмайди.

Янги Ўзбекистоннинг туризм истиқболи рамзи сифатида қаралаётган бу марказ тез орада халқаро ва минтақавий сиёсий жараёнларга ҳам мезбонлик қила бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, Самарқанднинг тарихий мавқеини янада мустаҳкамлаш ва жонажон юртимизнинг туристик жозибадорлигини бундан-да оширишга хизмат қилади.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

# ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ТАРТИБЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА?

1 Шуни алоҳида айтиш керакки, соҳанинг барқарор ривожланиши бевосита унинг ҳуқуқий асосига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Қонун лойиҳаси 16 та боб, 137 та моддадан иборат. Унда фойдали қазилма турлари аниқ белгиланяпти. Яъни асосий фойдали қазилмалар (барча металлар ва углеводородлар) ва норуда фойдали қазилмалар (цемент, ойна, кимё хомашёлари, мармар, гранит, базальт, қум-шағал, оҳактош ва бошқалар)га ажратилмоқда.

Эътиборлиси, белгиланаётган нормалар билан геологик жиҳатдан кам ўрганилган ҳудудларни халқаро стандарт асосида блокларга бўлиш тизими жорий этилади. Бунда тегишли лицензиялар талабгор мурожаатига кўра "биринчи келган биринчи олади" принципи асосида шаффоф механизмлар орқали берилади. Бундай механизм Австралия, Канада, Туркия ва Қозоғистонда кенг қўлланилади. Ўрганилганлик даражаси ва кон очиш салоҳияти юқори бўлган майдонлар эса шаффоф "E-auksion" платформасида онлайн-аукцион натижасига кўра берилиши белгиланмоқда. Яъни кам ўрганилган, олис жойлардаги участкалар "биринчи келган биринчи олади" тамойили асосида берилади, ўрганиш даражаси юқори истиқболли майдон ва конлар эса аукцион ҳамда танловларга чиқарилади.

Бундан ташқари, ер қаъри участкаларидан фойдаланишда бир марталик бонуслар ўрнига ҳар йилги тўловлар ҳамда йиллик минимал харажатлар жорий қилинади. Бу эса, ўз навбатида, лицензиарни ўзининг участкасида тезроқ геология-қидирув ва қазиш ишларини ўтказишга ундайди, объектлар самарасиз туриб қолмайди. Шу билан бирга, ер қаъри участкаларини сотиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб қолдириш, омонатга ёки гаровга қўйиш тақиқланмоқда.

Ортиқча юкни қисқартириш мақсадида лицензия олишда талаб этиладиган муайян ҳужжатлар, яъни йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоблар, талабгор молиявий маблағлари, мавжуд техника ва бошқа имкониятлари каби маълумотлар рўйхати бекор қилинмоқда.

Шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланишдаги махсус ваколатли давлат органларининг ваколат доиралари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Натижада майдон ёки кондан фойдаланиш тугаганидан сўнг, атроф-муҳитни қайта тиклаш, рекультивация қилиш тадбирлари молиявий манбалари тизимли шакллантирилиб, кафолатли бажарилиши таъминланади.

Умуман, соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида қидирув ишлари қамрови кенгаяди, ер ости бойликларининг янги захиралари аниқланади. Натижада йирик корхоналар қурилади, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилади ва муҳими, аҳолининг фаровонлиги таъминланиб, мамлакат барқарор ривожланади.

**Ваҳобжон МУРОДҚОБИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.**

Муносабат

# ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

*Мамлакатимизда тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш асосий устувор вазифа сифатида белгиланган. Тараққиёт стратегиясидаги улуғвор мақсадлар негизида ҳам тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш вазифаси мужассам.*

Миллий иқтисодиётимизнинг асосий етакчи кучи ҳисобланган хусусий тадбиркорлик зиммасига иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш учун замин яратиш масъулияти юкланган, десак, айни ҳақиқат.

Таҳлил қиладиган бўлсак, охирги 10 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва қурилиш соҳаларида, инвестиция жалб қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни тобора ортиб бораётгани кўзга ташланади. Бугун тадбиркорлик субъектлари сони 494 мингдан ортгани ва қўшимча қиймат яратаётганларнинг ҳар тўрттасидан учтаси айнан хусусий тадбиркор эканлиги бунинг ёрқин исботидир.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бунинг замирида тинимсиз изланиш ва саъй-ҳаракатлар ётибди. Аниқ айтадиган бўлсак, ўтган даврда айнан соҳани ислоҳ қилишга доир 30 га яқин қонунлар, Президентимизнинг 50 дан ортиқ фармонлари ва 130 дан зиёд қарорлари, 180 дан кўпроқ Ҳукумат қарорлари ҳаётга татбиқ этилди.

Яқинда Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган мулоқоти шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, унда давлат раҳбари томонидан соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 та йўналишда муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, тадбиркорликни кенгайтириш, янги лойиҳалар ижроси учун қулай молиялаштириш тизимини, бизнес юриб кетиши учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор яратиш ҳамда туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш, тадбиркорлар мулк ҳуқуқини ҳимоялаш каби йўналишларда давлат томонидан изчил ишлар амалга оширилиши маълум қилинди.

Қолаверса, корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифага ажратилиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқ сифатида ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади, кичикдан ўрта бизнесга ўтганлар фойда солиғининг 50 фоизини тўлайди, энг муаммоли масалалардан бири бўлган қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилади.

Янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш мақсадида кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилади, биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди, бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этиши учун солиқ идоралари томонидан ёрдам кўрсатилади.

Умуман олганда, очиқ мулоқот форматидаги ушбу учрашувда ниҳоятда долзарб ташаббуслар илгари сурилишидан ташқари, олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шунинг ўзиёқ тадбиркорлик соҳаси ривожида янги давр бошланаётганидан далолат бериб турибди.

**Қобул ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# СОЛИҚ ЮКИНИНГ КАМАЙТИРИЛИШИ ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

*22 август куни Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти аввалида бир гуруҳ фаол тадбиркорлар мукофотланиб, бугун амалга оширилаётган ислоҳотларда ишбилармонларнинг ўрни юқори эканлиги таъкидланди.*

Бу галги мулоқотда ҳам тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш, юқори даромад олиб, кам солиқ тўлашига оид бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, учрашувда корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашув белгиланиши маълум қилинди. Яъни корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилиб, 1 миллиард сўмгача бўлгани микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киритилиши белгилаб олинди.

> "Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бизнес учун солиқ юкини енгиллатиш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилган эди. Учрашувда бу каби кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири бўлиб қолаётганлиги ҳисобга олиниб, келгуси йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши айтилди."

2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Шунингдек, олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади ёки улар ихтиёрий равишда йилига 20 — 30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим қилиш мажбуриятидан озод этилади.

Айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Бу эса, айни кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 370 минг тадбиркорга енгилликлар яратади. Шу билан бирга, тез ўсиб бораётган юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини ҳозирги 3,5 мингтадан 10 мингтага етказиш имкониятлари кенгаяди.

Бу борадаги яна бир қулайлик, 2023 йил 1 январдан кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилиб, давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида уларга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилади. Амалда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бизнес учун солиқ юкини енгиллатиш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилган эди. Учрашувда бу каби кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири бўлиб қолаётганлиги ҳисобга олиниб, келгуси йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши айтилди.

Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Шу билан бирга, аввал ошириб ҳисобланган 19 минг тадбиркорнинг солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечиладиган бўлди.

Ушбу имкониятлар минглаб тадбиркорларимизга оширилиб ҳисобланиши мумкин бўлган солиқлардан қочган ҳолда ўз даромадлари ҳажмини камайтириб кўрсатиш учун бир қанча фирмалар очиш, кўп даромад келтирувчи турли хил йўллардан фойдаланишига эҳтиёж қолдирмайди. Бу эса барча тадбиркорларда қонун доирасида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ривожи учун ҳисса қўшишдаги дахлдорлик ҳиссини ошириши, шубҳасиз.

Соҳадаги ислоҳотлар, ўз навбатида, биз, халқ вакиллари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Сабаби, учрашувда билдирилган ҳар бир ташаббусни қонунларимизда акс эттириш, бунда қонунчиликка киритилаётган ҳар бир ўзгартишни тадбиркорлар ўз фаолиятида бюрократик тўсиқларсиз фойдаланадиган норма сифатида акс эттириш муҳим саналади.

**Музаффара АБДИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЕВРОПА БОЗОРЛАРИДА НОЗ-НЕЪМАТЛАРИМИЗ ХАРИДОРГИР

*Очиқ мулоқотда иштирок этар эканман, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган янги-янги имкониятлар, имтиёзлар замирида бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва катта ишонч мужассамлигини юракдан ҳис қилдим.*



Хусусан, биз тадбиркорлар учун солиқ юкини енгиллаштириш, Президент ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгашини тузиш, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини қўллашга 3 йиллик мораторий эълон қилиш, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини жорий этиш юзасидан билдирган фикрларини тинглаб, рости, шу соҳани танлаганимдан фахрландим. Беихтиёр ўзим яратган бизнес ва амалга оширган ишлар кўз ўнгимдан ўтди.

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунё бозорида брендга айланяпти. Чет элларда "Ўзбекистон узуми", "Ўзбекистон гилоси" каби сўзлар кенг истеъмолга кирди. Аввал ўзимизда машҳур бўлган Мирзачўл қовуни эндиликда Европа мамлакатларида севиб истеъмол қилинмоқда. Хориж бозорига чиқарилаётган ноз-неъматлар тури ва ҳажми йил сайин ошмоқда.

Биргина бизнинг корхонамиз мисолида оладиган бўлсак, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан хорижга икки баравар кўп маҳсулот чиқардик.

Албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти равнақида давлатимиз томонидан яратилган қулай бизнес муҳити муҳим омил бўлмоқда. Бунда деҳқончилик, боғдорчиликда хориж бозорлари талаби даражасидаги маҳсулотлар етиштириш, навларни танлашдан тортиб парваришу ҳосилни саралаш, сақлаш, қадоқлашгача — барча жиҳатлар ҳисобга олинаётгани ҳам маҳсулотларимизнинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигини таъминламоқда.

Фаолиятимиз айнан аграр соҳа бўйича экспортни амалга оширишдан иборат. Натижаларимиз чакки эмас, лекин кўрсаткичларни янада кўтариш имкониятлари бор. Мисол учун, логистика марказини ташкил этсак, маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш, қадоқлашдаги самарадорлик янада ошади. Энг муҳими, уни жўнатиш давомийлигининг мунтазам бўлишига эришамиз. Масалан, юкларимизни Литвадаги ва Европанинг бошқа давлатларидаги харидорларга етказиб бериш вақти қисқаради.

Қолаверса, жамиятимизнинг ўз агрофирмасини ҳам ташкил қиламиз. Унда қишлоқ хўжалигининг малакали мутахассислари, тажрибали боғбон ва деҳқонлар иштирокида зироатнинг ҳар бир тури бўйича олинадиган ҳосилни экспорт талаблари даражасида етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

**Жаҳонгир МАМАТҚУЛОВ,**
**Сирдарё вилоятидаги «FS Logistics» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**



# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ТОМОНИДАН «САЛОМАТЛИК ВА СОФ ТАБИАТ УЧУН!» ЭКОЛОГИК АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

*"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан "Саломатлик ва соф табиат учун!" экологик акцияси ўтказилди. Акция доирасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудини волонтёрлик асосида чиқиндилардан тозалаш ишлари амалга оширилди.*

## Кўнгиллилар ҳаракати

Президентимиз раислигида шу йил 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши кераклиги таъкидланиб, бунга аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва ёш авлод қалбида она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкинлиги қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, "Ўзсаноатқурилишбанк"ни трансформация қилиш жараёнида уни анъанавий банкдан "яшил банк" тизимига босқичма-босқич ўтказиш, бунда қатор "яшил лойиҳалар"ни ишлаб чиқиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Банк жамоаси юртимизда "яшил иқтисодиёт" концепцияси моҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда аҳолининг экологик ва ижтимоий таваккалчиликлар борасидаги хабардорлигини оширишга қаратилган турли тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Ходимлар ўртасида экологик турмуш тарзи ва иш фаолиятини юритиш тамойилларига риоя этиш бўйича қатор "яшил лойиҳалар" амалга оширилмоқда.

"Саломатлик ва соф табиат учун!" экологик акцияси ана шу йўналишдаги амалий ишларнинг узвий давоми саналади.

Акция давомида банк ходимлари ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларидан ихтиёрий тарзда жалб қилинган жамоатчилик вакиллари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманини баҳор ва ёз мавсумида тўпланиб қолган маиший чиқиндилардан тозалади.



— Банкимиз томонидан ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида амалга оширилаётган ҳукумат ислоҳотларида фаоллик кўрсатиши бежиз эмас, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ вакили И. Худойберганов. — Бугунги кунда чиқиндилар энг долзарб ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, улар ҳажмининг кўпайиши экологик барқарорликка жуда катта салбий таъсир кўрсата бошлаган. Акцияни айнан Бўстонлиқ туманида ўтказиш ташаббусига эса унинг вилоятдаги муҳим экотуризм ҳудуд саналиши сабаб бўлди.

Шунингдек, акция доирасида банк ходимлари учун яшил табиат қўйнида халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда тренинг ҳам ўтказилди.

Унда БМТ Тараққиёт дастури ва "Global Green Growth Institute" (Глобал яшил ривожланиш институти) вакиллари ўз компаниялари мисолида экологик муаммолар ечими ва режалари хусусида сўзлаб берди.

Сўнгра банк мутахассислари меҳмонларни муассасанинг "Green banking" йўналишидаги фаолияти билан таништирди.

— Биз "яшил банк" тамойилларини илгари суриш ва ривожлантиришда Халқаро молия корпорацияси консультантлари билан бирга, экологлар ва техник мутахассисларни ҳам жалб этганмиз, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ "Green banking" департаменти директори в.в.б Б. Ахманов. — Яшил лойиҳалар сонини кўпайтириш мақсадида корпоратив, кичик ва ўрта бизнес ҳамда жисмоний шахс мақомидаги мижозларга мўлжаллаб "яшил кредит" маҳсулотларини жорий қилганмиз. Экологик ва ижтимоий таваккалчиликларни баҳолаш бўйича ички стандартларни татбиқ этганмиз.

Тадбирда, шунингдек, "Green banking" тамойилларини банкнинг ишлаб чиқариш жараёнида жорий этиш бошлангани, бунда энергия ва табиий ресурслардан фойдаланишни қисқартириш, жумладан, компьютерларни ишдан ташқари вақтда ухлаш режимига ўтказиш, бино ва хоналарни тўлиқ светодиод лампалари билан таъминлаш, ҳаракатланиш датчиклари ва сенсор кранлар ўрнатиш, ходимларни хизмат велосипедлари билан таъминлаш, велотураргоҳлар барпо этиш, манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазиш, чиқиндиларни саралаш, мижозлар билан банк операцияларини автоматлаштириш, шу жумладан, қоғоз истеъмолини йилига 30 фоизга қисқартириш чоралари кўрилаётгани маълум қилинди.

Тренинг давомида орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб ўртага ташланган янги ғоя ва таклифлар муҳокама этилди.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

## Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# КЎП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА



*Ўзбекистон ва Ҳиндистон. Бу икки мамлакат халқлари ўртасида асрлар давомида шаклланган ҳамда умумий тарих, маданият, муштарак урф-одат ва қадриятларга асосланган стратегик шериклик алоқалари сўнгги пайтларда мисли кўрилмаган даражада фаоллашиб бормоқда.*

*Биргина ўтган давр мобайнида ўтказилаётган йирик форум ва тадбирлар, учрашувлар, халқаро анжуманлар икки томоннинг стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик кўламини тобора кенгайтириш борасидаги интилишларининг яққол ифодаси бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Ишонамизки, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари барча соҳада, икки халқ фаровонлиги йўлида ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.*

*Қуйида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида турли йўналишларда амалга оширилаётган стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик самаралари хусусида экспертларнинг фикрлари билан танишасиз.*





### Ҳамкорлик

## Абадий дўстлик намунаси

**Гулчеҳра РИХСИЕВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори:**



— Ҳиндистонга ва уни Марказий Осиёда ўрганишга бўлган қизиқиш узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳиндшунослик фан сифатида Ўзбекистонда 75 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд.

Мустақил Ҳиндистон билан тенгдош университетнинг Ҳинд филологияси кафедраси 1947 йилда ташкил этилган. Ўз фаолияти давомида мингдан зиёд мутахассисларни тайёрлаган бу таълим даргоҳида нафақат МДҲ давлатларидан, балки Польша, Германия, Болгария, Мўғулистон, Куба, Вьетнам каби хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳам таҳсил олди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги мутахассислар алмашуви дастури ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланиб, бугунги кунгача муваффақиятли давом эттириб келинаётир. Ўтган йиллар мобайнида Ж. Саркар, Қамар Раис, Б. Н. Тивари, Ҳ. А. Фарукҳ, К. У. Ҳошимий, Муҳаммад Амин, Д. Чаубей, Анвар Алам, Хожа Икрмуддин, Аҳлақи Аҳан каби Ҳиндистоннинг таниқли олимлари ҳинди, урду, форс тиллари ва адабиётидан талабаларга сабоқ бериш учун университетимизда бўлган.

Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳинд тили, Ҳиндистон халқлари адабиёти, тарихи, фалсафаси, иқтисодиёти ва ташқи сиёсатини амалий ва илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича кўпгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: алоҳида услубий ишланмалардан тортиб то ҳинд тилини ўрганишгача махсус мактаблар учун ҳам, олий ўқув юртлари учун ҳам дарсликлар, ўқув қўлланмалар, антологиялар, луғатлар, монографиялар нашр эттирилган.

Шунингдек, университетда янги очилган туризм ва халқаро журналистика соҳалари ҳиндшуносликдаги янги йўналишлар бўлиб, Ҳиндистонни янада чуқуррок ўрганишга хизмат қилмоқда.

Олий таълим муассасамизда 2006 йили Ҳиндистон элчихонаси билан ҳамкорликда Маҳатма Ганди номидаги ҳиндшунослик маркази ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳинд ёзувчилари асарларидан таржималар ҳам доимий равишда амалга оширилади. Хусусан, 1961 йилда Робиндранат Тагор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган беш жилдлик китоб, Премчанд, Кришан Чандар, Яшпал, Чинаппа Бхарати романлари, "Рамаяна" ва "Маҳабхарата" эпослари, "Панчатантра", "Хитопадеша" эртаклар тўплами, Маҳатма Гандининг "Менинг ҳаётим" асари таржима қилинган, шунингдек, Ўзбекистон телеканалларида "Маҳабҳарата" ва "Рамаяна"



сериаллари ҳам ўзбек тилида намойиш этилган.

2019 йилда М. Ганди таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда Тошкент давлат шарқшунослик университети Ҳиндистон элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда ШҲТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази билан ҳамкорликда "Маҳатма Ганди фалсафий таълимотида халқ дипломатияси" мавзуида махсус семинар уюштирди. Семинарда Ҳиндистон томонидан мамлакат парламенти аъзоси Анил Кумар Шастри ҳамда гандишунос олима Шобҳана Радҳакришна иштирок этди.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам кўпгина ютуқларга эришилди. Хусусан, университетимиз Ҳиндистоннинг Жамия Миллия ва Деҳли университетлари билан Ўзаро англашув меморандумини имзолади.

2020 йилда эса Гужарат университети билан магистратура мутахассислиги бўйича Қўшма таълим дастури имзоланди ва ушбу дастур доирасида жорий йил 5 нафар талаба ўқишни муваффақиятли якунлаб, ҳар икки университет дипломига эга бўлиш арафасида турибди.

Айни пайтда университетимизнинг 6 нафар ўқитувчиси ва магистратура битирувчилари Ҳиндистоннинг Маҳатма Ганди номидаги ҳинд тили университетида малака ошириш курсларида таҳсил олмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, абадий дўстликнинг яхши намунаси ҳисобланувчи Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам жадал ривожланиб бораверади, деб ишонамиз.

## Маданиятлар мулоқоти

**Акмал НУР,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси,**
**Ўзбекистон халқ рассоми:**

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон бадиий маданияти Осиёнинг қадимий ва буюк маданияти намунаси бўлиб, умумэътироф этилган умумбашарий мерос ҳисобланади. Бу икки давлатнинг ўзаро маданий алоқалари ҳақида гапирганда, антик ва ўрта асрларга бориб тақалувчи ўзбек — ҳинд маданий алоқалари мустақиллик даврида мутлақо янги суръат олганини таъкидлаш лозим.

Ҳиндистон нафақат ўзининг бой тарихи ва маданияти, балки бошқа кўплаб соҳалар қатори маданият ва санъат, фан ва техника соҳасида ҳам бугунги улкан ютуқлари билан машҳур. Биз, санъат намояндалари учун Ҳиндистон, аввало, ажойиб илҳом манбаи. Кўп қиррали ҳинд маданияти асрлар давомида Марказий Осиё давлатларидан маданият ва санъат, фан ва маърифат намояндаларини ўзига жалб этиб келган. Қизиғи шундаки, ҳинд нақшлари замонавий рассомлар ижодида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар доирасида ана шу жиҳатларни Ўзбекистон жамоатчилигига кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда.



"Ҳиндистоннинг ёзма мероси: ҳинд — ислом хаттотлик санъати" туркумидаги кўргазмалар ташкил этилгани ҳам ана шундай ёрқин воқеликлардандир. Кўргазма Тошкент шаҳрида бошланди ва 2021-2022 йиллар давомида республикамизнинг деярли барча ҳудудида уюштирилди.

Ушбу кўргазмадан Ҳирот мактаби буюк усталарининг 105 та санъат намунаси жой эгаллади. Уларнинг аксарияти XV — XIX асрларга мансуб бўлиб, Ҳиндистонинг турли ҳудудларида яратилган. Кўргазмада куфий, насх, настаълиқ, хатти шикаста, таълиқ ва бошқа услубий йўналишлардаги хаттотлик асарлари намуналари тақдим этилди. Ушбу хаттотлик услубларининг деярли барчасидан Қуръон оятларини ёзишда кенг фойдаланилган.

Ҳирот хаттотлик мактаби ёзиш услубининг нафислиги ва нозиклиги билан бошқа мактаблардан алоҳида ажралиб туради.

Тақдим этилган асарлар икки давлат ўртасидаги маданий ҳамкорлик тарихига оид бўлиб, нафақат илмий, балки кенг жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Биз сўнгги йилларда муваффақиятли амалга оширилган турли кўргазмалар, ижодий учрашувлар ва илмий маърузаларни узундан узоқ санаб ўтишимиз мумкин. Айтиш жоизки, бу воқеалар, асосан, умумий тарихий меросимизни акс эттиради. Бироқ айни пайтда биз Ҳиндистон маданияти ва санъатининг бугунги ҳолатини ўрганиш устида ишлаяпмиз, замонавий рассомлар ва ҳайкалтарошлар, дизайнерлар каби соҳанинг бошқа вакиллари билан танишиш ҳам биз учун жуда қизиқ.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йил 24 — 28 октябрда ўтказиладиган "Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари" IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесида кенг маънода ҳиндистонлик замонавий рассомларни иштирок этишга таклиф қиламиз. Ишончимиз комилки, мазкур тадбир ҳинд халқининг бу соҳада эришган ютуқларини намойиш этиш учун муносиб майдон бўлади.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистонда ўз мамлакатини муносиб тарзда намоён этаётган Ҳиндистон дипломатик миссиясининг ролини алоҳида таъкидламоқчиман. Дипломатик миссия раҳбари жаноб Маниш Прабхат, шунингдек, маданият маркази раҳбари Чандер Шекахар жаноблари томонидан амалга оширилаётган улкан ишлар уларнинг дўстлик, яхши қўшничилик ва тинчлик ғояларига содиқлигидан далолат беради. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик бундан кейин ҳам жадал ривожланади, деган умиддамиз.

## Ўзликни сақлашда барчага ибрат

**Жаннат ИСМОИЛОВА,**
**Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор:**



— Сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейининг Ҳиндистон маданий муассасалари билан ҳамкорлиги янги босқичга чиқди, дея айтоламан. Бунга асосларимиз етарли, албатта.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қадимий илмий, маданий ришталар асрлар давомида ривожланиб келган. Бугунги кунда ушбу анъана Ўзбекистон музейларининг ҳамкорлиги доирасида ҳам давом этмоқда. Унда маданий лойиҳаларнинг ўрнини алоҳида эътироф қилиш лозим.

Яқинда Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ҳиндистон элчихонаси тасарруфидаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда "Либослар: ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқалар кўприги" номли кўргазманинг очилиши бўлиб ўтди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбек ва ҳинд миллатининг турли маросимларда, кундалик ҳаётда кийиладиган миллий либослари, бош кийимлари ва миллий матолари билан танишди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон миллий либослари ўз миллийлигини сақлаган машҳур мамлакатлардан ҳисобланади. Кўргазмадаги либосларда икки халқ ўртасидаги маданий ўхшашликни ва ранглар уйғунлигини кўришимиз мумкин. Ҳинд ва ўзбек миллий либослари пахта ва шойи матосидан тикилганлиги, нақшлари эса кумуш ва олтин иплар билан безатилганлиги, исломий нақшларнинг ҳамоҳанглиги икки халқнинг азалий бирдамлигини кўрсатади.

2021 йилнинг 1 апрель куни Ўзбекистон тарихи давлат музейида "Ҳиндистоннинг ёзма мероси: ҳинд — ислом хаттотлик санъати" номли кўргазма очилди. Кўргазма Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган.

Кўргазмада 100 дан ортиқ Ҳирот санъат мактаби буюк хаттотларининг XV — XIX асрларда Ҳиндистоннинг турли ҳудудларида яратилган куфий, насх, сулс, настаълиқ, таълиқ йўналишларидаги хаттотлик ишларидан намуналар намойиш этилди.

Ушбу ёзув намуналари, айниқса, Қуръон оятларининг насх ва сулс хатида нафис ёзилишида кенг қўлланилган. Ҳинд ёзувлари орасида энг машҳурлари Шардф, Брахмий, Хароштий ва бошқалардир. Ушбу ёзувларда эпиграфлар мавжуд. Кўпгина замонавий ёзувлар Брахмийдан олинган.

## Маърифий ришталар кўприги

**Шарипбой ЭРГАШЕВ,**
**Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори:**



— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қадимий илмий, маданий ришталар асрлар давомида ривожланиб келган.

Бугунги кунда ушбу анъана мамлакатимиз олий таълим даргоҳлари ва Ҳиндистон маданий муассасалари ҳамкорлиги доирасида ҳам давом этмоқда. Бунда илмий-амалий лойиҳаларнинг ўрнини алоҳида эътироф қилиш лозим.

2022 йилнинг 23 май куни Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази кўмагида институтимизда Ҳиндистон ўқув хонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўзбек ҳамда ҳинд миллатининг маданияти, тарихий ва бадиий асарлари, илм-фандаги ютуқлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон олий таълим муассасалари билан алоқаларни ўрнатиш масалалари режалаштирилди.

Тадбир "Ҳавас" гуруҳининг концерт дастури билан ниҳояланди.

Бундан ташқари, 21 июнь куни нишонланадиган "Халқаро йога куни" арафасида марказ томонидан институт ходимлари учун оммавий йога машғулотлари ташкил этилди.

## Миллий байрам кенг нишонланди

*15 август — Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги куни кенг нишонланди ва ушбу сана дўст ҳиндистонликлар учун ниҳоятда қадрли, десак, муболаға бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон мустақиллиги куни муносабати билан Бош вазир Нарендра Модига табрик йўллаб, Ҳиндистон халқини қутлуғ байрам билан қизғин табриклади ва самимий тилакларини изҳор қилди.*

Қайд этиш керак, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги яқин дўстлик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Кўп асрлик дўстлик алоқалари анъаналарига содиқ ҳолда, бугунги кунда икки мамлакат давлатлараро шерикликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишдан ўзаро манфаатдор эканини намоён этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси 15 август куни Ҳиндистон мустақиллиги кунининг 75 йиллигини катта хурсандчилик билан нишонлади.

Тошкентдаги элчихонада бўлиб ўтган тантанали маросимда Ҳиндистон байроғини ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси, жаноб Маниш Прабҳат олиб кирди. Буюк шоир, файласуф ва Нобель мукофоти совриндори Робиндранат Тагор томонидан ёзилган Ҳиндистон миллий мадҳияси ижро этилди ва элчи Президент Жаноби олиялари Драупади Мурму хонимнинг мустақиллик куни муносабати билан ҳинд халқига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Маросимда Ҳиндистон элчихонаси расмийлари, Ўзбекистонда яшовчи ҳинд диаспораси аъзолари ва ўзбекистонлик турли соҳа вакиллари иштирок этди. Тадбир қатнашчиларига "India Club Tashkent" крикет клубининг табрик хати ва эсдалик нишони тақдим қилинди.

Байрам тадбири кечқурун "Tashkent city" очиқ осмон остидаги боғида давом этди ва у ерда катта маданий дастур намойиш этилди. Ҳинд диаспораси вакилларининг фарзандлари, "Дил" гуруҳи, "Ҳавас" гуруҳи ва Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази (ICCR) ижодкорларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз навбатида, элчихона томонидан мамлакатимизнинг бир қатор таниқли фан, маданият ҳамда санъат арбобларига Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ҳамда халқаро дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун миннатдорлик хатлари топширилди.

**Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси материаллари асосида тайёрланди.**

### Шукуҳ

## МУНОСИБ ТУҲФА

*Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик тантанаси арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.*

*22 — 25 август кунлари Тошкент шаҳрида Республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ташаббуси билан "Учинчи Ренессанс — маърифатли жамият сари" мавзуида республика анжумани бўлиб ўтмоқда.*




Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида мазкур анжуман доирасида "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" китоби тақдимоти ҳамда "Миллий қўшиқлар ва мақом" деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидан 20 нафардан ортиқ Ўзбекистон Қаҳрамонлари, маънавият фидойилари, олимлар, зиёлилар қатнашди.

Тадбирда "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" китоб-альбоми миллатимиз ойдинларига эҳтиром сифатида яратилгани, унда Ватанимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони ҳамда "Олтин юлдуз" медали билан тақдирланган 103 нафар юртдошимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилиниши таъкидланди.

— Мазкур китоб биз учун байрамга муносиб совға бўлди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов. — Уни варақларканмиз, ҳаётнинг турли синовларини сабот билан енгиб, халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қилган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ишчию хизматчилар, устозлар, деҳқону чорвадорлар, санъат ва маданият ходимлари, хуллас, барча жабҳада қаҳрамонга айланган инсонларнинг умр йўллари кўз олдимизда жонланади. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли, шонли меҳнат фаолияти авлодлар қалбида мангу шараф тимсоли бўлиб қолади.

Тадбир "Миллий қўшиқлар ва мақом" концерт дастурига уланди. Унда юртимизда туғилган ва камолга етган буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, давлат арбоблари, шоир ва мутафаккирлар жонлантирилган саҳна кўриниши намойиш қилинди. Эл суйган санъаткорларнинг чиқишлари, миллий рақслар гулдастаси бадиий-мусиқий кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.50 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6